



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2010 йил 2 декабрь, № 232 (5147)

Пайшанба

## ЗАМОНАВИЙ АНДАЗАЛАР, ИЛФОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР

аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган сифатли маҳсулотлар тайёрлаш имконини бермоқда

**Мамлакатимизда корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш масаласига ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай савий-ҳаракатлар самараси фармацевтика саноати соҳасидаги ижобий ўзгаришларда ҳам аққол кўзга ташланаётир.**

Ибтиёт муассасалари, хусусан, тармоқ корхоналарининг замонавий ускуналар билан жиҳозланганлиги аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини бераётгани бунга мисол бўла олади.

Президентимизнинг 2007 йил 19 ноябрдаги "2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида"ги қарори асосида пойтахтимиздаги "Замона Рано" масъулияти чекланган жамиятининг цехлари хоридан келтирилган замонавий технологиялар билан жиҳозланган, бу ерда маҳсулотларни махсус идишларда қадоқланган ҳолда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Айниқса, корхона қошидаги 101 гектар майдонда до-ривор ўсимликлар етиштирилаётгани хом ашёнинг узлуksизлигини таъминлаётир.

(Давоми 2-бетда).



СУРАТДА: корхона ишчилари Раъно Эргашева ва Ҳилола Облаёрова тайёр маҳсулотни кўздан кечирмоқда.

### Олий Мажлис Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси олдидан

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг навбатдаги ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг Давлат рамзлари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маммурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам муҳокама этилиши кўзда тутилган.



### Давлат рамзлари: ЮКСАК ЭҲТИРОМ, ФАХР ВА ИФТИХОР

Маълумки, давлатимиз байроғидаги рангларнинг ҳар бири ўзига хос мазмун ва аҳамиятга эга. Ундаги оқ ранг тинчлик ва поклик тимсолидир. "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонунга киритилаётган қўшимчага мувофиқ, ана шу рангга тегишли тавсифларни қучайтириш кўзда тутилган. Хусусан, Қонунга биноан "янги ой" сўзи "оқ рангли янги ой" тарзида ифодаланмоқда. Шунингдек, "беш қиррали юлдуз" сўзларига қўшимча қилинган "Давлат байроғининг тартиб-тартиби ҳақида"ги Қонуннинг давлат байроғини кўтаришга доир 5-моддаси ва "Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида"ги Қонуннинг давлат байроғини кўтаришга доир 4-моддаси янги тахрирда баён этилмоқда. Унда давлат байроғини кўтариш ва давлат герби тасвири акс эттириш ҳолатлари янада кенгайтирилгани ва аниқлаштирилгани диққатга сазовордир.

тўғрисидаги Қонунга янги 5-модда киритилган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тасвиридан фойдаланиш тартиблари белгиланган. Шу билан бир қаторда, мамлакатимиз байроғи тасвири туширилган белгилардан Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотларининг элементлари сифатида фойдаланилиши мумкинлиги ҳам моддада кўрсатилган.

Бундан ташқари, мазкур Қонунга киритилаётган 52-моддага мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи элементларининг нодавлат ташкилотлари ҳужжатларининг рекузитлари ёки реклама материалларига киритилишига йўл қўйилмаслиги, Давлат байроғи тасвири туширилган белгилардан ишлаб чиқарилаётган ёки реаллаштирилган товарларни (ишларни, хизматларни) ўтказиш учун тижорат мақсадларида фойдаланиш мумкин эмаслиги, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг рамзлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғига айнан ўхшаш бўлиши мумкин эмаслиги белгилана қўйилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўртинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси эртага — 2010 йил 3 декабрь кўни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлис залда очилади.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари бугун — 2010 йил 2 декабрь кўни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойсесига рўйхатга олинад.

(Давоми 2-бетда).

## ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

кучли фуқаролик жамияти барпо этишда муҳим аҳамиятга эга

Мушоҳада

Президентимизнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусидаги маърузаси концептуал характерга эга бўлиб, унда демократик ислохотларни янада ривожлантириш ва фуқаролик жамияти барпо этишда олдимизда турган муҳим вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда ахборот воситалари, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш устувор йўналиш сифатида белгилаб, бу борада бир қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди.

Сир эмас, бугунги глобаллашув жараёни ахборот тизимларидан самарали фойдаланишни тақозо этади. Зотан, ахборот оқимининг хилма-хиллиги кенг омма руҳияти ва он-тафаккурини йўналтирувчи, шакллантирувчи куч сифатида баҳоланмоқда. Шу нукта назардан қараганда, мамлакатимизда ҳар қимнинг фикрлаш ва сўз эркинлиги, ахборотни олиш, излаш ва тарқатиш ҳуқуқлари, оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги Конституцияимизнинг тегишли моддалари билан мустаҳкамланиб, бир қатор қонун ҳужжатлари орқали кафолатланган.

Эътироф этиш керак, сўнги йилларда оммавий ахборот во-

сияларини кенг жорий этишга қаратилган унга яқин қонун ва кўплаб қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Оммавий ахборот воситалари ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрيليғи учун белгиланган тартибда жавобгардирлар".

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67-моддасидан.



ситаларини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислохотларнинг очиклиги ҳамда ошқоралигини таъминлаш, медиамаҳкамга илгор ахборот-коммуникация техноло-

рог воситалари соҳасидаги қонунчилик ҳалқаро андозалар ва замон талабларига мос равишда такомиллаштириб, норматив-ҳуқуқий база янада мустаҳкамланиб бормоқда. Яратиб берилаётган ҳуқуқий кафолатлар ва шарт-шароитлар сама-

раси ўлароқ, ҳозирги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситалари қарийб 1200 тага етди. Босма оммавий ахборот воситалари 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситалари сони эса 7 баробарга кўпайди. Мажид барча босма нашрларнинг 60 фоизи, телеканалларнинг 53 фоизга яқини, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳиссасига тўғри келаётгани мамлакатимизда ушбу соҳага бозор механизмлари жадал суъратларда жорий этилаётганининг ёрқин исботидир.

Шу маънода, Юртбошимиз томонидан Концепцияда тақлиф этилган ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасидаги қонунчилик ташаббуслари, ўз навбатида, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги принципларини амалга ошириш,

(Давоми 2-бетда).

## АСАЛАРИЧИЛИК ВА БАЛИҚЧИЛИК РИВОЖИ

соҳанинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари билан кафолатланади

Тадбирда қайд этилганидек, мамлакатимизда барча соҳалар қатори асаларичилик тармоғи ривожига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. Республикада қабул қилинган 2009 — 2011 йилларда асаларичилик соҳасини ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастурига кўра, асаларичилик билан шуғулланадиган фермер ҳўжаликлари сони 346 тага етказилди.

### Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

Ш а х с и й ёрдамчи ва деҳқон ҳўжаликлари сони эса 832 тага етказилди. Хозирги кунда Тошкент давлат аграр университети, Самарқанд қишлоқ ҳўжалиги ҳамда махсус илмий тадқиқот институтлари олимлари ҳўжалик юритувчи субъектлар мутахассислари билан ҳамкорликда қатор илмий тадқиқотлар ҳамда соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш борасида самарали ишлар олиб бормоқдалар. Буларнинг барчаси асал ишлаб чиқариш ҳажмининг ўтган йилдаги нисбатан 126 фоиз ошишига замин яратди.

Ўз навбатида, давра суҳбати иштирокчилари асаларичилик тармоқларида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг соҳани ривожлантиришдаги ўрни, асаларичиликка ихтисослаштирилган фермер ҳўжалиklarининг ўзига хос хусусиятлари, ушбу соҳани янада тараққий эттиришда маҳаллий ҳоки-

мият органларининг иштироки ҳамда аҳоли томонидан шахсий томорқаларда асаларичиликни ривожлантиришнинг экологик масалалари бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Муҳокама жараёнида соҳада эришилган ютуқлар билан бир қаторда, айрим муаммолар мавжудлиги ҳам айтиб ўтилди. Хусусан, асаларичиликка оид қонунчиликни такомиллаштириш зарурлиги, шунингдек, мамлакат аграр соҳасида амалга ошири-

лаётган таркибий ўзгаришлар натижасида вуҳудга келган янги ҳуқуқий муносабатлар, айна пайтда фермер ҳўжалиklarининг ҳуқуқий мақоми, ерга оид қонунчиликда ҳам асаларичилик ҳўжалиklarини ташкил этиш мумкинлиги алоҳида қаратилди. Қўмитанинг шу кунги парламент кўйи палатасида самарали ишлар олиб бормоқдалар. Буларнинг барчаси асал ишлаб чиқариш ҳажмининг ўтган йилдаги нисбатан 126 фоиз ошишига замин яратди.

Тадбирда эътироф этилганидек, Вазирлар Маҳкамасининг "Республика балиқчилик табиий сув ҳавзаларидан фойдаланишни яхшилаш ва балиқ ресурслари муҳофазасини қучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "1999—2001 йилларда ва 2005 йилгача бўлган

(Давоми 2-бетда).

## Хорхе Иван Эспинал: «ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАЁТГАНИМДАН БАХТИЁРМАН»

Ўзбекистон кўплаб халқаро ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Улар орасида ЮНЕСКО алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу ташкилот ҳақида Президентимиз шундай таъриф берган эди: "ЮНЕСКО — халқаро ташкилот сифатида бугунги кунда илм-фан, маданият ва маорифнинг миллий тизимларини бириштираётган ҳолда, айна пайтда уларни жаҳон интелектуал

тириш асосида дунёда тинчлик ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлашга таъсир кўрсатишда иборатдир. Бунга ЮНЕСКО дастурларидан ўрин олган қатор йўналишлар орқали ҳам аниқлаб олиш мумкин. Дунё ва биз ташкилотга 193 та давлат аъзо. Улар билан умумбаршарий кадрлар ва маданиятни ҳурмат қилган ҳолда ҳамкорлик йўлга қўйилган. Шу жумладан, Ўзбекистон билан ҳам таълим, фан, маданият, коммуникация соҳасида алоқалар изчил равишда топиб бормоқда. — Узаро ҳамкорлик тарихи

тараққийнинг интеграция тажрибаси билан бойитилган, халқларни бутун инсониятнинг жуदा бой маънавий мероси билан ошно қилаётган кўприкка айланган".

Мухбиримиз Узаро муносабатларнинг амалдаги ифодалари ҳақида ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Хорхе Иван Эспинал билан суҳбатда бўлди.

ва самаралари ҳақида кенгрок тўхталсангиз.

— Ўзбекистон 1993 йилда ЮНЕСКО аъзоси бўлди. 1995 йилда эса Тошкентда ташкилот ваколатхонаси очилди. У ЮНЕСКОнинг маданият, фан, таълим ва ахборот масалалари бўйича миллий ваколатхонаси сифатида йилдан-йилга Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантириб келмоқда.

Иш фаолиятим давомида шохид бўлганимдек, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда таълим тизими тубдан ислоҳ қилинди, миллий кадрлар том маънода қайта дунёга келди. Маданий ва тарихий обидалар, муқаддас қадимжолар таъмирланди, обод этилди. Улуғ аждодларнинг меросини ўрганишга эътибор қучайтирилди. Илм-фан, алоқа ва ахборот соҳасида ҳам қатор ютуқлар қўлга киритилаяпти.

(Давоми 2-бетда).

Бир рақам шарҳи

Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида мамлакатимизда экспортчи корхоналарнинг айланма капиталини тўлдирish учун

275,5

миллиард сўм ҳажмида кредитлар ажратилди.

Тижорат банклари томонидан экспортчи корхоналарнинг шунча миқдордаги маблағ билан қўллаб-қувватланиши, ўз навбатида, уларнинг барқарор суъратларда ишлашини таъминлади, экспорт салоҳиятини янада ошириш имконини берди, аҳолининг бандлик даражасини ортирди.

Экспортчи корхоналар қўллаб-қувватланишда



# ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

### кучли фуқаролик жамияти барпо этишда муҳим аҳамиятга эга

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу қондалар "Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида"ги Қонунига киритилаётган ўзгариш ва қўшимчаларда ҳам акс эттирилган.

"Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонуннинг бир неча моддалари янги тахрирда баён этилмоқда.

## Давлат рамзлари:

# ЮКСАК ЭҲТИРОМ, ФАХР ВА ИФТИХОР

Уларда давлатимиз байроғи билан бир вақтда хорижий давлатлар ва (ёки) халқаро ташкилотлар байроқлари кўтарилганда Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи халқаро ҳуқуқ нормалари ва дипломатик протокол қоидаларига мувофиқ кўтарилиши белгилаб қўйилмоқда. Айни пайтда у хорижий давлатлар ва (ёки) халқаро ташкилотлар байроқлари билан бир хил баландликда жойлаштирилиши ҳамда бир хил ўлчамга эга бўлиши керак.

Шунингдек, Қонуннинг 12-моддаси янги тахририда кўра, ушбу ҳужжат ижроси устидан назорат олиб бориш тизими ва унга масъул органлар аниқ ифодаланган. Хусусан, мазкур Қонуннинг мамлакатимиз дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасала-

ри, халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналар томонидан ижро этилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, бошқа давлат органлари ва ўзга ташкилотлар томонидан бажарилиши устидан назорат эса ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади. Худуд шундай назорат олиб

ликосининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига киритилаётган янги модда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу моддага кўра, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби ёхуд Давлат мадҳияси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жа-

(Давоми. Боши 1-бетда).

соҳада бозор механизмларини янада такомиллаштириш ҳамда ахборот технологияларини кенг жорий этиш, фуқаролик жамияти институтлари тизимида ОАВнинг ролини янада кучайтиришга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмларни яратишни назарда тутди.

Барчага аёнки, бугун ҳар қандай ОАВнинг ахборот маконида ўз ўрнига эга бўлиши, ривож топиши унинг олдидаги энг асосий вазифа ҳисобланади. Бундай шароитда фақат иқтисодий жиҳатдан мустақил ва мустаҳкам бўлган оммавий ахборот воситасига ўз мавқеини сақлаб қолиши мумкин. Давр ўтиши билан ОАВнинг ҳам шакли, ҳам мазмуни янгиланиб бораётган экан, уларни иқтисодий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш механизми ҳам ўзгариши табиий. Шундай экан, Президентимиз таъкидлаганларидек, оммавий ахборот воситаларини эркинлиги ва мустақиллигини янада мустаҳкамлаш муаллифлик ҳуқуқи ва интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий қафолатлари механизмларини кучайтириш, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий қилиш билан бевосита боғлиқдир.

Концепцияда ушбу вазифани амалга ошириш, жумладан, ахборот бозори иштирокчилари фаолиятини самарадорлигини кучайтириш ва уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, ОАВга қўшимча иқтисодий преференциялар яратиш ва миллий ахборот маконини изчил ривожлантиришни таъминлашга қаратилган "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асосла-

ри тўғрисида", "Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қафолатлари тўғрисида"ги қонунларни қабул қилиш тақлиф этилди. Бу эса, ўз навбатида, мазкур соҳа субъектлари учун қўшимча иқтисодий имтиёзлар (преференциялар) бериш, соҳага бозор механизмларини жорий этиш ва соғлом рақобат муҳитини яратиш, уларнинг иқтисодий эркинлиги ҳамда мустақиллигини таъминлаш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ОАВни қўллаб-қувватлаш борасида мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб, келгусида жамоатчиликни тўлақонли, ҳаққоний ва тезкор ахборот билан таъминлаш, демократик принципларга асосланган ҳолда ОАВни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун зарур шарт-шароитларни яратди.

Концепцияда ахборот соҳасини ислоҳ этиш борасида тақлиф қилинган қонун ташаббусларидан яна бири — медиабозорнинг энг муҳим тармоқларидан бири бўлган телерадио тизимини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ва ривожлантиришга қаратилган "Телерадиоэшитиришлар тўғрисида"ги Қонунни қабул қилиш, "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Қонун нормаларини янада такомиллаштириш, рақамли телерадиоэшитириш тизимига ўтти-

видение каби мутлақо янги медиатизимлар кириб келмоқда.

Ушбу йўналишда тақлиф этилган қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши телерадиоэшитиришлар тизими фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизмлари ва молиялаштириш манбаларининг эркинлиги ҳамда мустақиллиги принципларини белгилаб бериш, радиостанталарни олиш учун ўтказиладиган танловларнинг демократик ва ошқоралигини таъминлаш, телерадио соҳасидаги асосий принципларни белгилаш, жумладан, рақамли телевидениега ўтиш муносабати билан истеъмолчиларга умуммажбурий тусдаги каналларни қабул қилишни қарор қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш беради.

Мухтасар қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан тақлиф этилган Концепциянинг амалга оширилиши, миллий ахборот маконимизни изчил ривожлантириш, ахборот соҳасини янада либераллаштириш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини тизимий оммавий ахборот воситаларининг роли ва аҳамияти янада орттириш, шубҳасиз, муҳим омил бўлади. Шу билан бирга, Концепцияда илгари сурилган қонун ташаббуслари парламентнинг аниқ ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун мустаҳкам асос яратиш, ҳар бир депутатдан ташаббускорлик, қонун ижодкорлиги фаолияти самарадорлигини ошириш йўлида мунтазам изланишни талаб этади.

Абдурашид Жўрабоев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси.

бориш тартиби "Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддасига киритилаётган ўзгариш ва қўшимчаларда ҳам ўз аксини топди.

Давлат рамзлари ҳақидаги мавжуд қонунларнинг такомиллаштириш заруратига биноан, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида"ги Қонунга ҳам айрим ўзгариш ва қўшимчалар киритилаётгани аҳамиятлидир. Хусусан, унинг 3-моддаси янги тахрирда баён этилган. Унда Давлат мадҳиясининг ижро этилиши тартиби ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзларига нисбатан ҳурмат-эҳтиромни кучайтириш, уларни асраш ва эъзозлаш мақсадида Ўзбекистон Респуб-

вобгарлик белгиланиши кўзда тутилган.

Қисқача айтганда, мазкур Қонун мустақил давлатчилигимизнинг муҳим ҳуқуқий асоси бўлган давлат рамзлари тўғрисида илгари қабул қилинган қонунларни янада такомиллаштиришга ҳизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Зеро, Президентимиз таъкидлагандек, давлат рамзлари — байроқ, герб, мадҳия Ўзбекистон халқининг шон-шарафи, гурури, тарихий хотираси, интилишларини ўзида мужассамлаштиради. Уларни эъзозлаш ўзининг кадр-қимматини, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончли мустаҳкамлаш демакдир.

Ф. МУҲАМЕДОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

# АСАЛАРИЧИЛИК ВА БАЛИҚЧИЛИК РИВОЖИ

### соҳанинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари билан қафолатланади

(Давоми. Боши 1-бетда).

даврдан Ўзбекистон Республикасида балиқ ва балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва ҳусуийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги

қарорлари балиқчилик соҳасини ривожлантиришда муҳим асос бўлмоқда.

Давра суҳбатда мамлакатимизда балиқчилик оид қонунчиликнинг бугунги ҳолати ҳамда бу борада олиб борилаётган ишлар юзасидан атрофлича ва қизгин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Ўз навбатида, сиёсий партия-

ларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи аъзолари мавзу доирасида ўз мулоҳазаларини, амалий тақлифларини билдирдилар.

Тадбирлар якунида мамлакатимизда асаларичилик ва балиқчиликни янада ривожлантириш борасидаги аниқ чора-тадбирларни муваффақиятли амалга ошириш, тармоқларга оид қонунчиликни такомиллаштириш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Зиёда АШУРОВА.

## Хорижлик харидорларга ҳам маъқул

Наманган вилояти марказида "Наманган момик сочиқлари" корхонаси иш бошлади. Бу ерга ўрнатилган хориж технологияси асосида ойига ўртача 250 миллион сўмлик сифатли момик сочиқлар тайёрлаш мумкин.

Эътиборлиси, корхонанинг 22 кишилиқ

меҳнат жамоаси томонидан қисқа муддатда 500 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилиб, унинг 100 миң АҚШ долларига тенг қисми хорижга экспорт қилинди.

Қ. НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хозирги кунда жамиятда меҳнат қилаётган 50 нафар ишчи-ҳудум томонидан тайёрланаётган 15 турдаги доривор ўт, шунча турдаги фиточой ва 6 турдаги шифобахш ўсимликлар аралашган махсус чойлар, маҳаллий истеъмолчилардан ташқари, қўшни давлатларга ҳам етказиб берилаётгани диққатга сазовордир.



СУРАТДА: лаборатория ходимлари Наргиза Турсунова ва Саида Холбоева хом ашё сифатини қўриқдан ўтказмоқда.

ўнлаб бадий ва ҳужжатли фильмлар дунё кинематографияси дурдоналари сифатида қайд этилди. Умуман олганда, Ўзбекистон ҳудудидаги тўрт миңдан зиёд моддий-маънавий ёдгорликлар умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатидан жой олган.

Яна бир янгилик. Яқинда чоп этилган "Хоразмнинг оптик узуги" китобидан Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасининг маданий мероси бўйича қимматли маълумотлар жой олди. Шу орқали ўлганнинг маданий хилма-хиллиги ва маданий туризм салоҳияти янада кенг тарғиб этилмоқда. Музей бошқаруви бўйича семинарлар уюштирилиб, музей ҳодимлари учун хавфсизлик ва коллекциялар консервациясини таъминлаш, маданий мерос менежменти бўйича қўлланмалар тарғима қилинди.

Алоқа ва ахборот соҳасини ривожлантириш бўйича ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилган. Мустақил ОАВ ва ахборот инфратузилмасини ривожлантириш бўйича, чунонки, музей ва архивлар коллекцияларидан маданий, таълимий ва тарихий аҳамиятга эга, бирок эскирган маълумотларни рақамлаштириладиган лойиҳа амалга оширилмоқда.

— Ўзбекистон халқига тилакларингиз.

— Ўзбекистондек жаннатмонанд юрtda ишлаш имконияти пайдо бўлганидан жуда бахтиёрман. Бу ер жуда самимий инсонлар юрти, яна гўзал табиат ва жуда бой маънавий мерос мавжуд. Бугун дунё мамлакатининг инқироз даврида ҳам барқарорлигини сақлаб қолган фаровон давлат деб билади, минтақа ва глобал миқёсда тинчликни сақлаш, хавфсизликни таъминлаш бўйича илгари сураётган пишиқ механизмлар ташаббускори сифатида тан олади. Бу Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисда сўзлаган нутқи бадирийлик муносабатларда ҳам ўз ифодасини топди. Мамлакатингиз билан бу борадаги мақсадимиз, масаланимиз ҳам уйғундир. Зеро, тинчликни асраб-авайлаш БМТ ва унинг иттифоқлаштирилган ташкилотлари, шу жумладан, ЮНЕСКОнинг асосий мақсадидир.

Мана шундай тинч, осуда, гўзал дунёда иш бошлаганимга ҳали гўзал вақт бўлгани йўқ, бироқ Ўзбекистон ва унинг олимжон, меҳмондўст халқига меҳрим тушиб қолди. Ваколатхонанинг тўлақонли фаолият юритиши учун эса барча шарт-шароит, қулайликлар яратиш берилган. Бунинг учун Ўзбекистон раҳбариятидан миннатдоримиз.

— Мазмуни муҳаббатингиз учун ташаккур!

Сайджон МАХСУМОВ, сўхбатлашди.

## Яхши хабарлар

# Экспортда икки баробар ўсиш

"Урганч ўт ўриш машиналари" очик акциядорлик жамияти маҳсулотларига хорижда ҳам талаб ортиб бормоқда.

Хусусан, корхона жорий йил бошидан буюн хориқлик миқозларга 189 миң АҚШ долларлик қишлоқ ҳўжалиқ техникалари етказиб берди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан икки баробарга кўтди.

Айтиш керакки, шу йилнинг ўтган даврида корхонада 2 миллиард 360 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди.

О. РАХИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# Маҳаллий хом ашёдан тайёр маҳсулот

Тадбиркор Шокир Эшатов ўзи раҳбарлик қилаётган "Учқудуқ қоракўл сервис" маъсулияти чекланган жамияти қошида жун ва тери маҳсулотларини тайёрлаш йўлида янги технологик линияни ишга туширди.

Бўш турган икки қаватли бинода иш бошлаган ушбу цехда ҳозир кунига 200 та тери қайта ишланмоқда. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун олтимиз миллион сўмлик банк кредитидан самарали фойдаланилди.

Таъкидлаш керакки, мазкур корхонанинг 11 кишилиқ жамоаси қисқа муддатда ички бозорга 20 миллион сўмлик маҳсулот чиқарди.

Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# Инвестиция яратган имконият

Ургут туманидаги "Бахт Полимер" Ўзбекистон — Эрон қўшма корхонаси тўғрисида тўғри жалб этилган 100 миң АҚШ долларлик сармов эвазиға замонавий дастхоналар ўрнатилди.

Йилга 5,8 миллион дон полипропилен қоплари тайёрлаш қувватига эга ушбу корхонада маҳаллийлаштириш дастури асосида иш ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган.

Тумандаги 15 та корхонада йил бошидан буюн хориқлик ва маҳаллий маблаглар ҳисобига ишлаб чиқариш кенгайтирилиб, умуман 220 дан зиёд иш ўринлари яратилди.

А. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# Хорхе Иван Эспинал: «ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАЁТГАНИМДАН БАХТИЁРМАН»

— Дунё илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган буюк бобоқалларимиз юбилейи, кўнра шаҳарларимиз саналарини нишонлашда ҳам ЮНЕСКО фаол иштирок этмоқда.


— Дарҳақиқат, ЮНЕСКО ҳамкорлигидега Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад ибн Муво ал-Хоразмий, Мирзо Улуғбек, Амир Темур, Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Камолдин Беход каби буюк шахслар юбилейлари, Бухоро, Хива, Ташкент, Шахрисабз, Самарқанд, Марғилон, Қарши каби дунё цивилизациясида ўз ўрнига эга шаҳарлар, шунингдек, "Алпомиш" достони, "Авесто" китоби ва Хоразм Маъмур академиясининг тарихий саналари катта муваффақият билан нишонланди. Айниқса, Ўзбекистон раҳбари ташаббуси билан "Шарқ тароналари" мусиқа фестивалининг ташкил этилиши ўзaro ҳамкорлигимизда янги саҳифа очди. Мазкур аҳойиб тадбир Осие, Европа ва Америкадан



24 соат ичида

"ABB" (Швейцария/Швеция) электротехника воститалари ишлаб чиқарувчи компанияси АКШнинг "Baldor Electric Company" холдингини сотиб олишга маълум қилди.

Келишувга эришди



Мазкур масалада икки корхона мутасаддилари уршув ўтказишдан ва бир тўхтамага келишган. Манбага қараганда, ушбу хабарнинг қиймати 4,2 миллиард АКШ долларига тенг.

Торнадо талафоти

АКШнинг Миссисипи штатида юз берган торнадо оқибатида 15 киши тан жароҳати олди.

Бундан ташқари, табиий офат юзлаб тураржой ва маъмурий биноларга зарар етказган. Минглаб хонадонлар электр таъминоти тўхтовга учирди.

Олдани олишга киришилди

Доминикан Республикасида ўн икки киши вабо эпидемияси билан касалланган.

Бу ҳақда мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлиги маълум қилди. Шу боис ҳозир бу ерда хасталик тарқалишининг олдини олишга қарши кураш бошлаб юборилди.

Хорик матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

1993 йилда БМТнинг биохилма-хилликни асраш бўйича халқаро конвенцияси расман қучга кирганди. Мазкур ҳужжат 192 давлат томонидан ратификация қилинган бўлиб, унга асосан, биологик турларни муҳофаза этиш, табиий захиралардан тежамкорлик билан фойдаланиш, атроф-муҳитни асрашда ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш бош мақсад қилиб олинди.

Очигини айтиш керак, халқаро микросдаги йирик анжуманларда мана шундай дастурлар, ҳужжатлар бир овоздан маъқулланган, иштирокчи давлатлар аъзолари уни тарихий воқеа сифатида баҳолашди ва буни табиатга меҳр кўрсатиш йўлидаги ижобий қадамлардан бири сифатида тилга олишди.

БМТ Бош қотиби Пан Ги Муннинг фикрига қўра, бугунги кунда сайёрамиз наботот ва ҳайвонот олами сақлаб қолиш зарури бўлган.

БИОХИЛМА-ХИЛЛИКНИ АСРАШ

она-табиат олдидаги муқаддас бурчимиздир

— 2010 йил учун қўйилган ва-зифалар бажарилмади, — дейди Бош қотиб. — Биохилма-хиллик бўйича аҳвол тобора мураккабла-шиш бормоқта.

Дарҳақиқат, биосферани сақ-лаш бугун нафақат шу соҳага маъсум кишиларнинг, балки бар-ча-барчанинг муқаддас бурчидир.

тиши мумкин экан. Маълумотлар-га қараганда, айни пайтда флора-нинг 34000 та ва фаунанинг 5200 та тури йўқолиш хавфи остида.

Илим-фанга тах-ми-нан 60 минг турдаги умурткали, 1,2 млн. хил умурткасиз, 300 минг турдаги ўсимлик, 30 минг турдаги кўзакдорин ҳамда лишаинликлар (суб ўтлари билан ягона организм ҳосил қилиб яшовчи замбурулар) номи маълум.

Шарҳ

минглаб гектар майдондаги ўрмон-зорларнинг қулини кўкка совурди. Кўна қилта вақиллари ана шу та-лафотларни эндиликда унутмаган.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масала-сига давлат сиёсати даражасида алоҳида эътибор қаратилди.

Охириги йилларда ғайритабиий ҳодисалар кўп кузатишмоқда. Бир-гина мисол. Жорий йилнинг ёз ой-ларида Европада об-ҳаво оdatда-гидан анча иссиқ бўлди.

Давлатимиз раҳбари доимо турли нуфузли халқаро минбар-лардан туриб атроф-муҳитни асраб-авайлаш ҳақида аниқ тақлиф ва ташаббусларни билдириб келади.

палатасида Экологик ҳаракатга 15 депутатлик ўрни ажратилгани жа-ҳон ҳамжамияти эътирофига са-зovor бўлди.

лар тўғрисида", "Ер ости бойлик-лари тўғрисида", "Ўрмон тўғриси-да", "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида", "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойда-ланиш тўғрисида", "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида", "Чикин-дилар тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар шулар жумласидандир.

Табиат ҳақида фикр юритганда, биз унга она сўзини қўшиб ишлатамиз, яъни "она-табиат" деймиз. Бу атроф-муҳитга ҳудди волидаи муҳтарамга қилинган ҳурмат каби муносабатда бўлиш-га ундовчи иборадир.

Шавкат ОРТИКОВ.

ДИҚҚАТ, «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ!» Агар сизга божхона қонунчилиги бузилишига доир ҳолатлар ёки божхона ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари маълум бўлса, Давлат божхона қўмитаси раҳбариятини қуйидаги «Ишонч телефонлари» орқали хабардор қилишингизни сўраймиз.

Table with columns: №, Худуд, «Ишонч телефонлари». Lists emergency numbers for various regions in Uzbekistan.

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ ИП ООО «РАКНТАКАВЕЛ ЗАВОД» ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ кабельно-проводниковую продукцию.

ЗАВОД ТТЕМЗ ИЗГОТАВЛИВАЕТ И РЕАЛИЗУЕТ:

КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А предназначен для строительного-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий.

АВТОКРАНЫ для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах.

АВТОЦИСТЕРНЫ И АВТОТОПЛИВО-ЗАПРАВЩИКИ Объемом 8 м³ и 12 м³ на шасси МАН, КАМАЗ, МАЗ.

КРАНОМАНИПУЛЯТОРЫ и АВТОВЫШКИ на шасси: ISUZU, КАМАЗ, МАЗ и др.

ТРУБА ЗАВОДИ «ТОШКЕНТ» КК ұида ишлаб чиқарилган куйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган).

Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05. Факс: 262-23-61, 269-39-66. E-mail: toemz1@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz

Мактаб ўқувчилари учун қулайлик Деҳқонобод туманидаги 62-мактабда замонавий ва муҳташам спорт зали қурилиб, фойдаланишга топширилди.





**Бухоро шаҳрилик Наргиза Маърупова-нинг тикувчиликка меҳри баланд. Либослар олами билан қизиқади. Замонавий кийимлар бичимини миллийлик билан уйғунлаштириш ҳақида ўйлайди. Ўз бизнесини йўлга қўйиш орзуси уни "Тадбиркор аёл" уюшмасининг вилоят бўлимига етаклаб келди.**

# ТАДБИРКОР АЁЛЛАР ШИЖОАТИ

Уюшма томонидан бошловчи тадбиркорлар учун ўтказилаётган семинар-тренингларда фаол қатнашган Наргизадаги ҳавас қаттиятга айланди. Уюшма мутахассислари кўмағида ўз ўқув марказини очиб бўйича лойиҳа тайёрлади. Бу бизнес лойиҳа "Меҳр нури" жамғармасининг бир миллион сўм миқдоридан грантига лойиҳа, деб топилди. Шу сармоя эвазига Наргиза "Modern fashion viewer Bukhara" номли ўқув марказини очди.

— Марказимиз интернетда ўз веб-сайтига эга, — дейди у. — Биз бошқалардан фарқи тарзда маҳсулот андозасини ўзимиз тайёрлаймиз. Замонавий либосларга Бухорога хос каштачилик, пат-дўзлик намуналарини татбиқ этамиз. Шаҳримизнинг сайёҳлар гавжум қисмида кўрғазма салони



"Хар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир".

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасидан.

флотлар олиб бораёғиз. Эртага улар ҳам ҳаётда ўз йўлларини топиб кетишади, албатта. Табиийки, орзу-ҳавасларимизнинг ушалишида Юртбошимиз томонидан тадбиркорларга яратиб бе-

рилган қулайликлар муҳим омил бўлмақда.

Бухоро шаҳридаги "Зардўз Нурхон" фирмаси раҳбари Нурхон Эргашева ҳам ишнинг кўзини биладиган, вақт қадрига етадиган тадбиркор аёллардан. Қачон қараманг,

унинг янги бир лойиҳа устида ишлаб, елиб-югуриб юрганни кўрасиз. Фирманинг зардўзлик буюмлари эса ўзига хослиги, бетакрор жилваси билан хариддорларни мафтун этади. Бозорда аллақачон ўз

**Бандлик**

ўрнини топиб улгурган фирмада яқинда яна бир лойиҳа амалга оширилди. Кредит эвазига ишлаб чиқариш кенгайтирилди. 35 та касаначи иш ўрни очилди.

— Вилоятимизда Нурхон Наргизага ўхшаб ўз орзу-ҳаваси йўлида

қатъият кўрсатаётган хотин-қизлар йил сайин кўпаймоқда, — дейди "Тадбиркор аёл" уюшмаси вилоят бўлими раиси Дилбар Аҳмедова. — Муҳими, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган аъзоларимиз янги иш ўринлари яратишапти, жамоат ишларида фаоллик кўрсатишмоқда. Улар билан ёнма-ён ишлаб, хунар ўрганаётган интилувчан ёшларнинг бир қисми эса кейинчалик ўз бизнесини йўлга қўймоқда. Хушвақт Жўраева, Шоира Одилова, Саломат Ҳамроева сингари ишбилармон аёлларимизни бугунги кунда вилоятда яхши билишади. Интилганга толе ёр, деган гап, назаримизда, айнан уларга қарата айтилгандек...

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## БИЛАСИЗМИ?

O'ZBEKISTON SAVDO-SANOAT PALATASI

Палата аъзоси бўлиб, сиз:

- Ўзбекистон ва хорижда ишлаб чиқарилган минитехнологияларни харид қилиш бўйича маълумот олишингиз мумкин;
- ўз маҳсулотларингизни консигнация шартлари асосида Палата орқали хорижий бозорларда сотиш имкониятига эгадирсиз;
- таклиф қилаётган маҳсулот ва хизматларингизни мамлакатимиз ҳамда хориждаги кўрғазмаларда имтиёзли шартларда жойлаштиришингиз мумкин;
- экспорт ва импорт қилувчи тадбиркорлар фаолияти ҳақида маълумотлар олишингиз мумкин;
- назорат органлари томонидан текширув ўтказилганда, Палата томонидан ҳуқуқий ҳимояга эгадирсиз.

**Нукусада Зулфия номдаги Давлат мукофоти учун ўтказилаётган республика кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди.**

## ИҚТИДОР ВА ИСТЕЪДОД СИНОВИ

Унда шаҳар ва туманлардан ташриф буюрган 85 нафар қиз фан, таълим, маданият, санъат ва адабиёт йўналишлари бўйича ўз билим ҳамда иқтидорларини намойиш этишди.

Тадбир сўнгида ушбу йўналишлар бўйича энг истеъдодли қизлар номи аниқланди. Энди улар танловнинг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтadиган якуний босқичида иштирок этишади.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## БОШ СОВРИН ҲАМЮРТИМИЗДА

Қарши шаҳридаги олимпия захиралари коллежи ва «Геолог» спорт-соғломлаштириш мажмуасида қўл жанги бўйича аънанавий халқаро турнир бўлиб ўтди.

Нуфузли мусобақада ҳамюртларимиздан ташқари Австралия, Швеция, Испания, Украина, Россия, Эрон, Таиланд, Қозғистон, Қирғизистон ва Тожикистондан келган жами 400 нафардан ортиқ спортчи медаллар учун кураш олиб борди.

### Халқаро турнир

ва профессионаллар ўртасида уюштирилган маъруз халқаро турнирда 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган қўлғаб ёш спортчилар ўзаро куч синашди.

Профессионаллар ўртасидаги мусобақада юртдошларимиздан Шўхрат Абдураимов, Бобур Раҳматов, Илҳом Саидов, Аҳрор Охунбобоев, Элбек Раҳимов, Нурбек

## ОБ-ҲАВО

(2 декабрь)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Кечаси 0-5, кундузи 5-10 даража илқ бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ёгингарчилик кутилмайди. Туман тушади. Ҳарорат тунда 0-5 даража илқ, кундузи 13-18 даража иссиқ бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кутилмайди. Туман тушади. Ҳарорат тунда 0-5 даража, кундузи эса 12-17 даража илқ бўлади.

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари. Ёгингарчилик бўлмайди. Кечаси 2-7 даража илқ, кундузи 15-20 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кутилмайди. Туман тушади. Тунда 0-5 даража, кундузи 12-17 даража илқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 2-4 даража, кундузи эса 15-17 даража илқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

**Ташкилотлар ва корхоналар диққатига!**

## «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК тендер савдолари эълон қилади.

- Тендер савдолари предмети. «Ўзтемирйўлмаштаъмир» УКнинг «Қуёв-механика заводи» ШКда ҳаракатланадиган составнинг таъмирлаш базасини ривожлантириш ва вагонсозлиқни ташкил этиш» объекти бўйича қуёв цехида қуйма пўлат, чўян ва рангли металлдан тайёрланган буюмларни ишлаб чиқариш қувватини ошириш мақсадида ускуна ва жиҳозларни етказиб бериш (шеф-монтаж) ва хизмат кўрсатиш.
- Тендер комиссияси ишчи органининг номи ва манзили: «Қуёв-механика заводи» ШК қуёв цехи учун ускуна ва жиҳозларни сотиб олиш лойиҳасини амалга ошириш гуруҳи, 100060, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 7-уй. Телефонлар: (998 71) 237-99-91, 237-94-00, 237-82-67. Тел./факс: (998 71) 232-11-65, (998 71) 237-95-69. E-mail: grp\_fmz@mail.ru
- Тендер савдоларида иштирокчиларга қўйиладиган шартларни бажарган, тендер асосида харид қилинаётган миқдордаги маҳсулотларни етказиб бериш таъбирига эга, шунингдек, таклиф этилаётган маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ёки ишлаб чиқарувчидан кафолат хатига эга бўлган маҳаллий ва хорижий фирма ҳамда ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- Тендер савдоларида маҳаллий ва хорижий фирма ҳамда ташкилотлар қатнашган тақдирда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий етказиб берувчиларга қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларнинг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.
- Ускуна ва жиҳозларни етказиб бериш (шеф-монтаж) ва хизмат кўрсатиш бўйича тўлов шартлари тендер ҳужжатларида кўрсатилган.
- Етказиб бериш шартлари (ИНКОТЕРМС-2000 га асосан):
  - хорижий иштирокчилар учун — СІР Тошкент;
  - маҳаллий етказиб берувчилар учун — харидорнинг Тошкент шаҳридаги омбори.
- Ускуна ва жиҳозларни етказиб бериш муддати — молиялаштириш очилган кундан бошлаб 16 ой давомида, кейинчалик шеф-монтаж бўйича хизмат кўрсатиш.
- Тендер таклифлари кафолати миқдори тендер ҳужжатларида кўрсатилган.
- Тендер таклифлари кафолатини тўлаш бўйича тўлов шартлари ва банк реқвизитлари тендер ҳужжатларида кўрсатилган.
- Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2011 йил 5 январь кuni Тошкент вақти билан соат 18.00 гача.
- Тендер савдолари ўтказилиш шартлари бўйича қўшимча маълумотларни «Қуёв-механика заводи» ШКнинг қуёв цехи учун ускуна ва жиҳозларни етказиб бериш лойиҳасини амалга ошириш гуруҳига юқоридан кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин.
- Тендер таклифлари қуйидаги манзилда очилади: Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 7-уй, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК биноси.
- Тендер ҳужжатларининг баҳоси — ҚҚС билан 400 АҚШ доллари:
  - резидентлар учун тўлов амалга ошириладиган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгиланган курс бўйича сўмда амалга оширилади;
  - норезидентлар учун тўлов АҚШ долларида амалга оширилади.

## «ХАЛҚ СЎЗИ»ГА

**ЭЪЛОНЛАР**  
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача  
**232-11-15,**  
**236-09-25.**

E-mail: reklama@xaz.su

## «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Бухоро вилояти филиали бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

**Аукцион савдосига Бухоро шаҳар суд ижрочилири бўлими томонидан қуйидаги мол-мулклар тақроран қўйилмоқда:**

- Бухоро вилояти хўжалик судининг 2009 йил 5 декабрдаги 20-0903/13530-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Бухоро гўшт» МЧЖга қарашли, Бухоро шаҳри, Шайхуллолаб кўчаси, 38-уйда жойлашган, қурилиш майдони 15624,17 кв.м. бўлган 28 номдан иборат мол-мулклар мулкий мажмуаси. Бошланғич баҳоси — 757 458 561 сўм 47 тийин.
- Бухоро вилояти хўжалик судининг 2009 йил 30 декабрдаги 20-0903/13536-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Қодир қизи» хусусий фирмасига тегишли, Бухоро шаҳри, Ҳофиз Таниш Бухорий кўчасида жойлашган, умумий майдони 1364,0 кв.м.дан иборат «Нурчи» соғломлаштириш маркази бино-иншооти. Бошланғич баҳоси — 250 000 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2010 йил 16 декабрь кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади.**

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун олганда тўхтатилади. Юқоридаги мулклар билан суд ижрочилири бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Суд ижрочилири томонидан чиқарилган мол-мулклар бўйича аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Бухоро филиалининг «Турон» банки Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000200571452129, МФО: 00111, СТИР: 200933850.

**Манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават.**  
**Телефонлар: (8-365) 223-71-36, 223-71-30.**  
[www.rkmb.uz](http://www.rkmb.uz)

Лицензия: DB 001 № 000004.

ЦЕМЕНТ (пц400 д20) 144,9 ▼ -1,1 ЦЕМЕНТ (пц400 кд20) 164,1 ▲ +13,8 АРМАТУРА 2211,6 ▲ +8,8 ШИФЕР (1 лист) 12772 ▲ +57,0 АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 310,2 ▲ +1,1 Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истагангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1103. 37513 нухсда босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибит 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Тахририятга келган қўлаёғалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтариб бериб эмас. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:  
100000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — А. Орипов.  
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.  
Навбатчи — З. Жонисқов.  
Муеҳхид — С. Исмолов.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.45 Топширилди — 22.30

1 2 4 5